

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.PED.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАҚСУДОВА ГУЛНОЗ ОЛИМОВНА

**ИНТЕГРАТИВ-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мақсудова Гулноз Олимовна

Интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг
хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш 3

Мақсудова Гулноз Олимовна

Совершенствование лингвистической подготовки студентов на основе
интегративно-развивающего подхода..... 22

Maqsudova Gulnoz Olimovna

Improving the linguistic training of students on the basis of an integrative
developmental approach..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАҚСУДОВА ГУЛНОЗ ОЛИМОВНА

**ИНТЕГРАТИВ-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped498 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Лайло Толибжоновна
педагогика фанлари доктори профессор

Машарипова Умида Абдувоҳидовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, пед.ф.н. ,доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д. ,профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак хорижий тил мутахассисларини CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида тайёрлашнинг интегратив модулли таълим технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Рақамли таълим, рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим мазмунини халқаро даражага кўтариш, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ижтимоий лингвистик, ижтимоий коммуникативлик ҳамда фразеологик компетенцияларини шакллантириб инглиз тили ўқитувчиси проффесиаграммасини ва касбий компетентлигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида замонавий меҳнат бозори талаблари асосида таълим жараёнларини ташкил этиш, ўқитишни янги стратегияларга мослаштириш, ўқув мазмунини буюртмачилар эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш, таълимий ахборот инфраструктура базасининг касбий фаолиятга алоқадор параметрлар доирасида ривожлантириш, талабаларда янги билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивацияни шакллантириш, масофадан ўқитишнинг психологик жиҳатларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқитиш моделларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълимни ахборотлаштириш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий лингвистик билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблари асосида ташкил этишнинг миллий тизимини яратиш, талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали такомиллаштириш ҳамда мустақил таълим олишни ривожлантиришни назарда тутувчи техника ва технологияларни таълим тизимига жорий этиш орқали рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. “Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш”¹, таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда ҳарбий педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш методикаси, тизими, лингводидактик таъминоти асосларини аниқлаштириш, репродуктив ва рецептив малакаларни мустаҳкамловчи йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги ПФ-4947-сон Олий мажлисга мурожаатномасида янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»,

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

2018 йил 5 июндаги ПҚ 3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги 174-сон «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги, 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизнинг қатор педагог олимлари Р.Х.Джўраев, Р.Г.Исянов, Я.Исмадияров, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, М.Б.Урабова, Ш.С.Шариповнинг тадқиқотларида таълим сифатини оширишни режалаштириш ва назорат қилиш, ижодий тафаккурни шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш муаммолари ва ижодкорлик мазмуни тадқиқ этилган. Б.С.Абдуллаева, Ш.Абдураимов, С.Ю.Ашурова, У.Ш.Бегимкулов, Н.А.Муслимов, Р.А.Мавлонова, У.А.Машарипова, Ш.Э.Қурбановлар томонидан таълим жараёнидаги интеграциянинг психологик-педагогик, методик муаммолари ва уларнинг ечимлари тадқиқ қилинган. Олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш масалаларига оид илмий изланишлар Л.Т.Ахмедова, Г.Бакиева, М.Гулямова, Ж.Жалолов, У.Жуманазаров, Н.Х.Кушиева, Г.Маҳкамова, Х.Маматкулов, Ф.М.Рашидова, К.Д.Рискулова, Т.К.Саттаров, Ф.Б.Саидова томонидан олиб борилган.

МДХда хорижий тилларни ўқитиш ва таржима методикасини Н.Лазуткина, О.Р.Рякина, Н.Н.Соловьева, Н.И.Черновалар; умумий тилшунослик масалаларини М.Б.Ганачевская, И.В.Захаренкова, А.Э.Максаева, Г.Г.Молчанова, Э.И.Назмиева, П.П.Ростовцева, И.И.Халеева, Г.И.Шеметалар; маданиятлараро мулоқот муаммоларининг турли аспектларини В.М.Еремина, Т.А. Савушкина, С.Г.Тер-Минасовалар; хорижий тил методикалари ва технологиялардан фойдаланган ҳолда компетенцияларни шакллантириш масалаларини Л.В.Абдрахманова, И.К.Бекасов, Л.В.Бондаренко, О.А.Василенко, Л.А.Вербицкая, М.В.Мазо, Л.И.Печинская, О.В.Флеров, А.В.Щепилова; хорижий тилга тайёрлаш давомида фанлараро интеграциядан фойдаланиш муаммоларини И.В.Джиджавадзе, Н.В.Попова, М.В.Правдина, А.Ю.Сочневакалар ўрганишган.

Хорижий давлатларда ўқитишни интегратив мазмундаги билимлар асосида ташкил этиш, D.Coste, B.North ва J.Trim, T.March, B.Tomlinson каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда, интегратив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари билан И.Р.Гонсалес, И.Дуден, Е.К.Шпрехен, И.Мена, Ж.Литтемор, Г.Лов интегратив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда “Ўзбекистонда олий таълим соҳасида таълимни интернационализация ва модернизация қилиш” (2015-2017й.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Интегратив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг фалсафий, психологик ва педагогик жиҳатларини таҳлил этиш;

Интегратив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш;

Талабалар хорижий тил тайёргарлигини интегратив ривожлантирувчи таълим муҳитини лойиҳалаштириш асосида такомиллаштириш;

Талабаларда хорижий тил тайёргарлигини шакллантириш, жараён самарадорлигини баҳолаш, мезон ва кўрсаткичларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш технологиялари, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатни ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик-статистик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш каби усуллар мажмуи қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Талабаларда мустақил кўникмаларини шакллантиришнинг мотивацион-мақсадли, процессуал-фаолиятли, ижодий-коммуникатив, натижавий-баҳолаш кўрсаткичлари ўқув, билим, инновация ва таълим фаолиятларини ўзаро интеграллаштириш социолингвистик компетентлик даражасини белгиловчи

индикаторлар, ҳамда инглиз тили ўқитувчиси профессиограммаси (касбий қиёфаси)ни ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган

Амалий машғулотлар самардорлигини таъминлаш технологиялари (jigsaw, POPS formula, TRIZ, podcasting)нинг педагогик имкониятлари нутқ кўникмалари (гапириш, ўқиш, ёзиш ва тинглаб тушуниш) ҳамда тилни такомиллаштириш компетенциялар тизимини оптималаштириш асосида такомиллаштирилган;

Касбий-ижодий таълим муҳитда интегратив ривожлантирувчи ёндашувнинг таркибий қисмлари (ташкилий-услубий, фаолият-амалий ва назарий-мазмун) талабалар хорижий тил тайёргарлигини индивидуал ривожланиш компонентларини касбий лаёқат ва амалий касбий билимларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

Талабаларда тил ўқитиш самардорлиги ва касбий фаолият тайёрлигини баҳолаш мезонлари тилга алоқадор параметр ва индикаторларни хорижий тажрибалар асосида стратегик прогнозлаш ҳамда тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг мақсадли педагогик дастури ишлаб чиқилган;

талабалар хорижий тил тайёргарлигининг мотивацион-мақсадли, процессуал-фаолиятли, иждодий-коммуникатив, натижавий-баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим жараёнида парадигмалар моҳияти ва унинг турлари, психологик-педагогик фанлардаги ва амалиётдаги муаммоларнинг ўрганилганлиги, педагогик таркиби, мазмун ва моҳиятини аниқланганлиги, талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигида касбий-ижодий таълим муҳити яратилганлиги, касбий интеграллашган хорижий тил тайёргарлиги шароитида талабаларда, мустақил таълим кўникмаларини шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг дидактик ва методик таъминотидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Талабаларнинг тил тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Талабалар тил тайёргарлигини лингвистик, педагогик ва методик компетентлик даражасини белгиловчи омиллар халқаро Британия кенгаши тажрибалари ҳамда тил тайёргарлиги мониторингини таққослашга оид таклифлар 2018 йил 3-майдаги 05/2352-сон билан тасдиқланган бакалавриятнинг хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши Давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89.03/5462-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда тил тайёргарлигининг методик ва дидактик имкониятлари кенгайтирилган;

Талабаларда мустақил кўникмаларини шаллантиришнинг мотивацион-мақсадли, процессуал-фаолиятли, ижодий-коммуникатив, натижавий-баҳолаш кўрсаткичлари ўқув-билим, инновация ва таълим фаолиятларини ўзаро интеграллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш учун ўқув-услубий модулларни такомиллаштириш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89.03/5462-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда мустақил таълимни баҳолаш кўрсаткичлари аниқланган;

Касбий-ижодий таълим муҳитда интегратив ривожлантирувчи ёндашувнинг таркибий қисмлари (ташкилий-услубий, фаолият-амалий ва назарий-мазмун) талабаларда хорижий тил тайёргарлигини индивидуал ривожланиш компонентларини касбий лаёқат ва амалий касбий билимларни оптималлаштириш ҳамда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини ўқитиш самарадорлиги ва касбий фаолият олиб боришга тайёрлигини баҳолаш мезонларига оид таклифлар асосида “Хорijiy til” // Development and incorporation of language skills// ўқув ресурси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89.03/5462-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг инглиз тилидаги матнларни ўқишда полисемантик лексиканинг такомиллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 166 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этирилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Интегрatív ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда интегрatív ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик фанлардаги ва амалиётдаги муаммолари ҳамда педагогик таркиби, мазмуни, моҳияти ёритилган. Тадқиқотлар кўрсатадики, мамлакатимиз педагог олимлари А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Р.Жўраев, Р.Г.Исянов, З.К.Исмоилова, Н.А.Муслимов, Н.С.Сайидахмедов, М.Б.Уразова, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, Э.Р.Юзликаеваларнинг илмий ишларида ҳам олий таълим муассасаларида таълимни интенсивлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан таълим жараёнида кенг фойдаланиш, таълим муассасалари ўқитувчиларининг компетенцияси ва унга қўйиладиган дидактик талаблар, таълим самарадорлигини таъминлашда мотивациянинг ўрни ҳақидаги инновацион ёндашув; илмий-тадқиқотда эмпирик ва назарий ғояларнинг бирлиги ва бошқа муаммоларнинг илмий-назарий асослари ўз аксини топган.

Олий таълимда хорижий тил тайёргарлигига турли педагогик ёндашувлар доирасида амалга ошириладиган замонавий таълим жараёнида интеграция ғоялари фаол ишлаб чиқилмоқда.

Шу жумладан, хорижда И.К.Бекасов ёндашув доирасида хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнини Интернет-технологияларни қўллаш асосида кўриб чиқади (программа Skype, видео-конференция), у тилшунос талабаларнинг хорижий тил ташувчилари билан реал мулоқотни таъминлайди ва муаллиф томонидан хорижий тил коммуникатив компетенцияларини такомиллаштиришнинг оптимал воситаси сифатида қаралади, таъкидлаб ўтадиган бўлсак, О.В.Вендина тадқиқотлари яхлитлигича компетентли ёндашув таълим мазмунини таълим тизими компетентлиги сифатидаги маданият ва бошқа фаолият соҳаларидаги муҳим шахсий ва ижтимоий долзарб муаммоларни самарали ҳал қилиш учун мўлжалланган ўзаро алоқадор билим, кўникма ва малакалар мажмуини интеграллаштирадиган ҳолатни асослайди. И.И.Игнатенконинг тадқиқотида хорижий тилни ўрганишга нисбатан чет тилининг фан сифатидаги яратувчанлик потенциали ҳисобига тафаккур рефлексив ривожланиши ва мулоқотига асосланган, бўлажак мутахассис умумий компетентлиги касбий маданияти ва ўзлигини англаши эркин ижодий шахсни шакллантириш омили саналадиган шахсий-марказлашган ёндашувни таклиф қилади. А.Н.Кузнецов, талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари тадқиқ қилиш жараёни икки босқичда амалга оширилади, деган хулосага келади: 1- (коррекцион тизимлаштириш) умумтаълимий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган; 2- (профессионаллаштириш) махсус касбий вазифаларни ҳал қилиш». А.Э.Максаева ўз тадқиқотини компетентли ёндашув доирасида амалга оширган. Т.С.Дегтярева ўзининг тадқиқотида, кўпмаданиятли ёндашув самарадорлиги

хорижий тил олий таълим муассаси таркибий муҳитининг ажралмас қисми сифатида бойитиши, унинг кўпмаданиятли кенглик сифатида шаклланишига таъсир ўтказиши билан асослайди.

Интегратив-ривожлантирувчи ёндашув ўз таркибида бир қатор педагогик ёндашувлар элементларини мужассам қилади, турли шаклдаги интеграцион алоқа ва таълим технологияларидан фойдаланиш (компетентли, шахсга йўналтирилган, кўпмаданиятли, лингвомаданий, ривожлантирувчи ва бошқа), таълим жараёнини лойиҳалаштириш имконини беради. Бунда хорижий тилни ўрганиш ўқувчининг шахсий мақсадларига мувофиқ, маълум бир касб эгасининг компетентлигига қўйиладиган талаблардан келиб чиқилади.


1. Компетентли: билим, кўникма ва малакани амалиётда жорий этиш.

2. Шахсга йўналтирилган: талабаларнинг ҳар бирига билим, малака кўникмасини кўрсатиш учун имконият яратилганлиги ва ўқитувчи томонидан унинг интеллектуал ҳамда шахсий сифатлари инобатга олиниши.

3. Кўпмаданиятли: тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини борлигича қабул қилиш

4. Лингвомаданий: талаба нафақат тилни ўрганиш истагини билдиради, балки асл асарларни ўқиганда ёзувчининг ички эмоцияси орқали халқнинг маданиятни чуқурроқ тушуниб етади.

5. Ривожлантирувчи: биринчидан, талаба мустақил фикрляпти, иккинчидан, грамматик тўғри шаклланыпти, учинчидан, инглиз тилида баён қиляпти. Бу барчаси талабанинг мавжуд билим кўникма малакасини ривожлантиради (бир биридан эшитиб ўрганади).



1-расм. Инглиз тилини ўрганишда қўлланилаётган ёндашувлар тизими

Таълим мақсадларига қўйиладиган талаблар, ўқитиш воситалари ҳамда методларини танлаш, компетентли ёндашув, ўқувчиларда асосий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган таълим жараёнини ташкил қилиш, нафақат билим ва кўникмаларга эга бўлиш, балки ўз касбини эркин эгаллаган турли фаолият соҳаларида мослаша оладиган, касбий кўникмаларини мунтазам такомиллаштирадиган, ижтимоий ва касбий сафарбар шахсни тарбиялаш; ҳар бир таълим олувчининг юқори мотивация даражаси, фаолиятини фаоллаштириш ҳамда таълим жараёни ва шахс коммуникатив манфаатларини инобатга оладиган шахсий мақсадлари, индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларини амалга ошириш контекстида таълимнинг мақсад ва мазмунини

кўриб чиқиш имконини берадиган шахсга йўналтирилган таълим; талабаларнинг касб эгаллаш соҳаси ва ундан реал фойдаланиш учун зарур бўладиган билим, кўникма, малакани шакллантирадиган хорижий тил бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш тизимида касбга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш; тил ташувчилари маданий, тарихий-бадий мерос, миллий менталитети, кадриятларини ўрганиш асосида тилни эгаллашда хорижий тил таълимида фойдаланадиган лингвомаданий ёндашув ўқувчи шахсини ҳар томонлама психологик, жисмоний, интеллектуал, гармоник тарафлама, унинг индивидуал ва шахсий манфаатлари, мақсадларини такомиллаштиришга қаратилган ривожлантирувчи ёндашув.

Диссертацияда интегратив-ривожлантирувчи ёндашув ўз таркибида бир қатор педагогик ёндашувлар элементларини мужассам қилиш асосида турли интегратив алоқаларни мужассам этган ривожлантирувчи таълим технологиялари (компетентли, шахсга йўналтирилган, кўпмаданиятли, лингвомаданиятли, ривожлантирувчи ва б.), хорижий тил таълимини ўқувчи шахснинг мақсадларига мос тарзда лойиҳалаштириш, касбий компетентлик талаблари даражасида ташкил қилиш имконини бериши кўрсатилган. Мазкур жараён мазмуни таркибига фаолиятнинг қуйидаги турларини қамраб олади:

турли педагогик ёндашувлар элементлари, синтези асосида хорижий тилни ўқитиш ташкилий-методик тизимини қуриш;

таълим олувчиларга қўйиладиган дидактик талабларни ўзлаштириш асосида аудитория ва аудиториядан ташқари ишлар сифатини ошириш юзасидан шароитлар яратиш, топшириқларни бажариш жараёнида мустақил таълим ва ижодий қобилиятларини намоён қилиш, ўқувчи-ўқитувчининг ҳамкорлик фаолияти, инновацион шакл ва методларини амалиётга татбиқ қилиш асосида, олий таълим муассасаларининг хорижий тил ўқитишдаги самарадорлиги, педагогик-психологик жиҳатдан асосланган, ижодий коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берадиган, интегратив-ривожлантирувчи таълим муҳитини лойиҳалаштириш.

Таркибида мақсад ва вазифалар, субъектлар-объектлар, қарама-қаршилиқлар, қонуниятлар, тамойил ва функциялар, таълим муҳити типлари, натижалар, назорат ва ҳамкорлик шакл, методлари элементларидан иборат интегратив-ривожлантирувчи методлар хорижий тил тайёргарлик жараёни таркиби таҳлил қилинди. Таркибий элементлар таҳлилида фақат аниқланиш билан чекланиб қолмасдан, балки мазкур тадқиқот пайтида мазкур жараён билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар олинди:

вазифалар – коммуникатив-лингвистик (тилни биладиган шахснинг шаклланиши, ҳаётий фаолиятнинг турли соҳаларига оид касбий фаолиятда хорижий тил мулоқоти кўникмаларини ривожлантириш), маданий-эстетик (бошқа мамлакатлар маданий меросини ўрганиш асосида юксак умумий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг лингвистик аънаналари ва ўзига хос жиҳатлари, санъат ва маданиятининг энг сара намуналари билан танишиш);

қарама-қаршилиқлар – объектив-бўлажак касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари билан олий таълим муассасаларида таълим муҳити даражасининг номувофиқлиги;

субъектив – олий таълим муассасаларида таълим муҳити имкониятлари билан ўқувчи шахсининг ривожланишидаги ўзига хосликлари, унинг индивидуал эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятлар;

қатор ўзига хос тамойиллар – ўзлаштирилаётган лингвистик материал ҳажмининг изчил интеграциялашуви; хорижий тил юзасидан ўзлаштирилган лингвистик қурилмаларни мустаҳкамлаш ва тизимли баён қилиш, мулоқот субъектлари ҳамкорлигининг турли ташкилий-дидактик қурилмалар воситасида лингвомаданиятга кириб бориш, касбий компетенцияларни ривожлантириш контекстида хорижий тил лингвистик материални ўзлаштириш сифатини назорат қилиш.

Кўриб чиқилаётган жараён элементлари таркибий қисмларини тизимлаш ва таҳлил қилиш асосида интегротив-ривожлантирувчи таълим ёрдамида хорижий тил тайёргарлиги назарий процессуал модели такомиллаштирилди.


Диссертациянинг **“Интегротив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак мутахассисларнинг умумий ўрта таълим ва ўрта махсус ўқув юртларида хорижий тил тайёргарликларини такомиллаштириш бўйича амалий фаолияти таҳлиллари, мазкур жараённи амалга ошириш учун маълум бир ташкилий-методик ва психологик шарт-шароитлар яратилиши тадқиқ этилган.

Тажриба-синов ишларини амалга оширишда интеграллашган ривожлантирувчи методлар самарадорлигини асослашда ва олинган натижаларга мос тарзда талабаларда хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик йўллари ишлаб чиқилди:

таълим мазмунини интегротив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий шартлари бўлиб, хорижий тил тайёргарлигини лойиҳалаштиришга касбга йўналтирилган ёндашув контекстли, лойиҳалаштириш ва интеграллашган таълим элементларини коммуникатив ёндашув элементлари билан уйғунлаштириш; битирувчининг касбий хорижий тил мулоқотига тайёрлигини белгиловчи компетенцияларни шакллантириш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш пайтида коммуникатив кўникмаларни ишлаб чиқиш;

баъзи шартлар асосида талабалар хорижий тил тайёргарлиги касбий-ижодий таълим муҳитини яратиш: кўпмаданиятлик муҳити доирасида талаба кадриятлари тизимини яратиш, талабанинг хорижий тил тайёргарлиги юксак даражасини аниқлаб берадиган йўналтирилган шахсий-касбий муҳим сифатлар мажмуасини шакллантириш, ўзи танлаган касби юзасидан фахр туйғусини туйишнинг психологик шарт-шароитларини яратиш, олий таълим муассасаларида ўқув ва дарсдан ташқари жараёнларга ижодий йўналиш бериш;

талабаларда хорижий тил тайёргарлигини мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантириш, уни амалга ошириш шартлари қуйидагилардан иборат: бўлажак мутахассисликнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, хорижий тил таълими ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқиш, мутахассислик тайёрлашга қўйиладиган талабларга мос тарзда талабалар хорижий тил тайёргарлиги мустақил ишлари дидактик материаллари мазмунини танлаш; инновацион лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш; мустақил таълим технологиялари билим ва кўникмаларига эгаллик.



2-расм. Талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик модели

Диссертациянинг “**Интегратив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштиришнинг тажриба-синов ишлари**” деб номланган учинчи бобида талабалар хорижий тил тайёргарликлари мураккаб кўпқиррали жараён, унинг натижавийлиги бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлиги даражасини белгилаб бериши ёритилган.

Шакллантирувчи педагогик эксперимент хорижий тил тайёргарлигининг ўзига хос жараён сифатидаги моҳиятини ўрганадиган методлардан бири. Педагогик экспериментни ташкил қилиш учун интегратив ривожлантирувчи ёндашув дастурини амалга ошириш, амалда эксперимент гуруҳи талабаларини дастурнинг маълум йўналишларига ўқитиш, назорат-ўлчов тадбирларини амалга ошириш ва олинган натижаларни назорат гуруҳининг натижалари билан таққослашга хизмат қилади. Шакллантирувчи эксперимент талабаларнинг хорижий тил тайёргарликларини такомиллаштириш амалий ишларни умумлаштириш, салбий таъсир омилларини аниқлаш, педагогик дастурга муайян ўзгартиришлар киритиш, бўлажак мутахассислар хорижий тил тайёргарликларини такомиллаштиришнинг педагогик йўллари асослаш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Интегратив-ривожлантирувчи ёндашув асосида талабалар хорижий тил тайёргарликларини такомиллаштиришда мақсадли педагогик дастур, динамик хусусияти, изчиллиги ва тартибга солиниш характери эга. Дастурни таълим жараёнида амалга ошириш янги авлод давлат таълим стандарти (ДТС)га мос тарзда касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришни оптималлаштиришга ёрдам беради (1-жадвалга қаранг):

Баҳо ва кўрсаткичлар шкаласи қуйидаги шаклда ишлаб чиқилган, унда ҳар бир кўрсаткич юзасидан талаба қуйидаги балларни олади: 3 – агар мазкур сифат қуйи ривожланиш даражасида бўлса, 4 – ўрта даража, 5 – юқори

Ҳар иккала эксперимент ва назорат гуруҳларининг барча талабалари маълумотлари тўпланди (рақам катталикларида) ва ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача бали ҳисоблаб чиқилди, сўнгра Microsoft Office Excel 2013 дастури тизими асосида ҳамма мезонлар бўйича ҳар бир кўрсаткичнинг алоҳида яхлит баллари жамлаб чиқилди.

Талабаларни гуруҳларга тақсимлашда мақсадли педагогик дастурни амалга ошириш жараёнини такомиллаштиришда уларнинг хорижий тилни билиш даражалари сифат кўрсаткичларини аниқлайдиган шкалалар даражаси аниқланди. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида қўлланиладиган 5 баллик ҳамда (қаранг, 4-жадвал, 3-устун), ва 100 баллик (4-жадвал, 4-устунга қаранг) баҳолаш тизимларининг тегишли даражалари белгилаб олинди (2-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Талабалар хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни самарадорлигини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари

№	Мезонлар	Кўрсаткичлар
1.	Мотивацион-мақсадли	хорижий тил билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга йўналганлик; хорижий тил коммуникатив қобилиятларини такомиллаштириш соҳаси мақсад ва вазифаларини шакллантириш қобилиятлари; касбий фаолият йўналишида мавжуд ахборотлар билан ишлашга бўлган интилишнинг мавжудлиги; ўқув фани доирасидан ташқаридаги соҳалар юзасидан хорижий тилда мулоқот қилишининг йўналганлик даражаси
2.	Процессуал-фаолиятли	хорижий тилда мулоқот кўникмаларини такомиллаштириш соҳасини режалаштириш; хорижий тилдаги ахборотларни қўллаш ва уларга ишлов бериш сифати; хорижий тил коммуникацияси такомиллаштиришда эгалланган турли компетенцияларни интеграциялаш; хорижий тилни ўзлаштиришда яратиладиган лойиҳаларнинг амалий йўналганлиги;
3.	Коммуникатив-ижодий	мулоқот фаоллиги даражаси; намунавий ўқув топшириқларини бажаришда ностандарт ечимлар топиш қобилияти; хорижий тилдаги иждодий лойиҳаларни эстетик жиҳозлай олиш; хорижий тил мулоқотида тилшунослик ва тарихий-маданий анъаналарини сақлаган ҳолда алоқа қилиш;
4.	Баҳолаш-натажиавий	ўз-ўзини ва ўқув топшириқларини бажаришдаги фаолиятини баҳолашнинг адекватлиги; талабаларнинг бир-бирларини ва ўзини назорат қилиш даражаси; оралиқ аттестация кўрсаткичлари (мавзулар ва бўлимлар мутаносиблигида); муқобил тил тизими ва унинг атамашунослигини билиш.

2-жадвал

Сифат даражаси жадвали (балларда)

Даража	Мезонлар бўйича баллар	5 баллик шкала бўйича баҳо	100 баллик шкала бўйича баҳо
Паст	3,0 – 3,4	3,0 – 3,4	60 – 68
Ўрта	3,5 – 4,5	3,5 – 4,5	69 – 91
Юқори	4,6 – 5,0	4,6 – 5,0	92 – 100

Эксперимент гуруҳи ҳар бир талабани ривожланиш даражасини тадқиқ қилиш, дастлабки назорат жараёнида педагогик мақсадли дастурнинг ҳар учта модулни амалга ошириш натижалари асосида ўтказилди. Натижалар таҳлили статистик қайта ишловдан ўтказилди. Таҳлилда топшириқларни бажариш ва уларни баҳолашни амалга ошириш, талабаларнинг назорат ишларини бажариш сифатини эътиборга олган ҳолда нисбатан объектив баҳолаш имконини берди. Масалан, талаба унинг ўзлаштириш дафтарида қўйиладиган баҳо ёки бални

топширик турлари юзасидан олди, сўнг ўртача бали йиғиндиси математика қоидаларига кўра ҳисоблаб чиқилади (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал

Талабанинг шахсий картаси

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Баҳолар				
		1-эксперт	2-эксперт	3-эксперт	Ўз-ўзини баҳолаш	Ўртача
Мотивацион-мақсадли	Хорижий тилга оид билим, кўникма ва малакаларининг йўналтирилганлиги	4	3	4	4	3,75
	Хорижий тил коммуникатив қобилиятларини такомиллаштириш соҳаси мақсад ва вазифаларини шакллантириш қобилияти	3	4	4	3	3,50
	Ўқув предмети талаблари доирасидан ташқарида хорижий тил мулоқотини амалга оширишга бўлган интилиш	3	4	3	4	3,50
	Ўртача балл	3,50	3,50	3,5	4,0	3,62

Тадбирнинг шакли ва йўналганлигига қараб, экспертлар ўқитувчилардан, назорат ва эксперимент гуруҳи талабаларидан (жумладан, бошқа олий таълим муассасаларида ўқитувчилари), мутахассислар (турли тадбир иштирокчилари), тилни ташувчи субъектлар ва бошқалардан шакллантирилди. Таҳлил қилинаётган маълумотлар тизимини нисбатан объектив баҳолаш учун ўз-ўзини баҳолашни киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди, бу маълум бир тарбиявий таъсирга ҳам эга бўлди – барча маълумотлар талабалар ва бошқа иштирокчиларнинг танишишлари учун очиклиги таъминланди, натижада улар ўз меҳнатларини адекват баҳолашларини кўргазмалли намойиш этди. Олинган натижалар Microsoft Office Excel 2013 тизими ахборот дастуридан фойдаланган ҳолда математик статистика методи формулаларидан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш ва таққослашдан ўтказилди. Олинган натижаларни ўрганиш, таҳлил қилиш в таққослаш нафақат эксперимент гуруҳида балки назорат гуруҳида ҳам ижобий ўзгаришларнинг динамикасини қайд этиш имконини берди. Бироқ, бу ўлчамларнинг катталиклари бир-биридан айрим сабабларга кўра кескин фарқ қилади, уларни биз кейинги параграфда кўриб чиқамиз. Эксперимент ва назорат гуруҳларининг ҳар бир талабаси учун алоҳида таққослаш жадвали тузиб чиқилди, унда талабаларнинг хорижий тилни ўзлаштириш кўрсаткичларининг айнан эксперимент даврининг бошланғич, оралик ва якуний даврларида юз берган такомиллашуви самарадорлигининг ижобий динамикаси ўз аксини топган.

Жами баҳолашни ўзида акс эттирадиган олтига жадвал тузилди (балларда): 1-бошланғич босқичдаги эксперимент гуруҳи иштирокчилари (б), 2-оралик босқичдаги эксперимент гуруҳи иштирокчилари (о), 3-якуний босқичдаги эксперимент гуруҳи иштирокчилари (я), 4-бошланғич назорат гуруҳи

иштирокчилари (б), 2-оралиқ босқичдаги назорат гуруҳи иштирокчилари (о), 3-якуний босқичдаги босқичдаги назорат гуруҳи иштирокчилари (я).

